РАҲНАВАРД ЗАРЁБ ҲИКОЯЛАРИДА СЮЖЕТ ҚУРИШ МАҲОРАТИ

Н.Қ.Кабирова

Мақолада афғон адиби Раҳнавард Зарёбнинг "Қарғишга учраган шаҳар" номли ҳикоясининг ғоявий-бадиий хусусиятлари таҳлил қилиниб, ундаги сюжет қурилиши, конфликтли вазиятлар тасвири ва қаҳрамонлар руҳиятини очишда намоён бўлувчи ёзувчи маҳорати очиб берилган.

Калит сўзлар: *хроникали, концентрик, сюжет, конфликт, симпатия, антипатия.*

В статье на примере анализа идейно-художественных особенностей рассказа "Проклятый город" выявляется мастерство афганского писателя Рахнаварда Зарьяба, проявляющееся, в частности, в оригинальном построении сюжета.

Ключевые слова: *хроникалтный, концентрический, сюжет, конфликт, симпатия, антипатия.*

The article depicts the mastership of the Afgani writer Rahnavard Zaryob in the process of writing the story "Damned City", its ideal and literary peculiarities of the writer, the construction of plot, description of conflicts in it, and the spirits if the heros.

Key words: *awful destiny, a landscape, injustice, chronicle, concentric, the conflict, a plot, sympathy, antipathy.*

Афғонистон адабиётида замонавий насрий жанр турлари кўлами жуда кенгдир. Бироқ уларнинг ичида ҳикоячилик бошқаларига нисбатан кенгроқ ривож топмоқда. Бу жанрда ижод қилиб келаётган таниқли афғон адиби Раҳнавард Зарёбдир. Унинг асарларида сюжет яратилишини ғоявий мазмун бошқаради, ғоявий мазмунни эса характерлар намоён бўладиган ва ҳаёт зиддиятларини умумлаштирадиган воқеалар силсиласи кашф этади. Воқеалар силсиласи ўз навбатида асар ғоясини бадиийлаштиради, уни жонлантиради. Раҳнавард Зарёб ҳикояларида ҳам худди шундай бадиийликни кузатишимиз мумкин. Бунга унинг "Қарғишга учраган шаҳар" ("ددش مس‌لط ره‌ش") ҳикояси мисол бўла олади.

"Қаттиқ шамол ўзини шаҳар деворига урар, гулдурар, худди қафасга тушиб қолган жонивор каби ўзини ҳар ерга урарди. Деворлардан ошиб ўтар, томларда рақс тушар ва дераза ортидан одамларга таҳдид қиларди. Шаҳарни туман қоплаган, чанг аралаш шамол дастидан ҳаммаёқ қоронғи эди" [1]*.

Ҳикояда ривоя асосий қаҳрамонлардан бири – бола тилидан баён берилади. Ҳикояда тасвирланган воқеаларнинг ўзаро муносабатига кўра хроникал ва концентрик сюжет турларининг қоришувини кўришимиз мумкин. Чунки унда воқеалар орасида вақт муносабати етакчилик қилади, шунингдек, сабаб-натижа муносабати ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳикояда ночор бир оиланинг тақдири, ижарага олинган уйда ота-она ва тўрт фарзанднинг қанчалик қийинчилик билан яшаётгани тасвирланади. Бу ҳол боланинг ўз отасини доимо асабий ҳолда кўриши, онасига жаҳл билан "*Бесузи, ҳой менинг қисматимга битилган Бесузи...*" дея бақириб чақириши, онасининг эса ҳар гал шошилиб *"Нима бўлди… нима гап?"* деб ҳавотирга тушиб гапиришини ёзувчи маҳорат билан тасвирлашида кўзга ташланади.

Боланинг акаси образи ҳам оиланинг танг аҳволини очиб беришга хизмат қилади. Отаси ва "Текинхўр" номини олган ака ўртасидаги жанжаллар вақтида бола доим уларнинг устидан кулади, масхара қилади. Уларнинг гапини баланд овозда мас-

* Бу ерда ва бундан кейинги ўринлардаги таржималар мақола муаллифиники.

хараомуз такрорлайди. Баъзи пайтларда ҳатто беихтиёр гиламга ётиб олиб, у ёқдан бу ёққа хохолаб думалайди.

Шу ўринда бир савол туғилади, ёзувчи нега айнан ота ва ўғил жанжали вақтида бошқа бир фарзандининг кулишини тасвирлайди? Бизнингча, бу билан Раҳнавард Зарёб бир оила тақдирини тасвирлаш орқали афғон халқи бошдан кечираётган қийинчиликларига бир томондан ачиниши, иккинчи томондан, танқидий муносабатини билдиради.

Раҳнавард Зарёб ҳикояларида ранглар символикасига ҳам катта эътибор қаратилади, жумладан:

“Онам қора матони бошига ўраганча қўрқиб хона бўйлаб юрарди” [1].

Бу ерда айнан қора матони бошига ўраб юриш ҳаёт қийинчиликларидан дарак беради ва қора ранг Рахнавард Зарёб ижодида айнан шу маънода қўлланишини унинг бошқа асарларида [2] ҳам кузатиш мумкин. Аслида жаҳон адабиёти намуналарида ҳам қора ранг фожеадан дарак беради. Ушбу ҳикоядаги қора ранг эса онанинг зулмат исканжасида ҳаёт кечираётганини рамзий кўрсатади.

Оиланинг фожеаси - “уйсизлик”, бу нарса оила аъзоларини, айниқса, оиланинг аҳволи учун ўзини масъул билган отани ҳамиша руҳан эзиб, қийнаб келади: *“Биз “уйсиз” халқ эдик. Отам доим шуни гапирарди. Бизнинг камбағаллигимизни кўрсатмоқчи бўлганида маюслик билан бошини қимирлатиб дерди: - Биз уйсизлар энди нима қиламиз?”* [1].

Ижарага олинган уй ҳам ўттиз минг афғонга гаровга берилган. Бу ўттиз минг отанинг доим диққат марказида туради, хаёлини бир дам бўлсин тарк этмайди. Оиладаги ҳар бир гап айланиб келиб шу ўттиз мингга тақалади. Ҳатто уйқусида ҳам бир неча марта ўттиз минг ҳақида гапиргани, овқатланаётганида ҳам, ҳатто ўғли билан жанжаллашганда ҳам ўттиз минг ҳақида гапираверишиотанинг энг катта муаммоси сифатида тасвирланган. Баъзида хурсанд бўлиб қолса, ён атрофига қараб, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек, дерди: *“Ўттиз мингимиз бор, яна йигирма минг топсак яхши бўларди. Бу ўттиз мингга бир парча ер сотиб оламиз ва йигирма мингга уй қурамиз. Фақат яна йигирма минг…”* [1]

Сюжетда образларнинг ўзаро алоқалари, улар ўртасидаги қарама-қаршиликлар, симпатиялар ва антипатиялар бор экан, демак, ёзувчи ҳикояда ҳаёт зиддиятларини акс эттиради, бадиий тасвирлайди ва китобхонга етказади. Ҳаётий зиддиятлар ҳикояда ифода этилган ғоялар, тасвирланган характерлар ва кайфиятлар кураши тарзида амоён бўлади ва у конфликт деб юритилади. Биз таҳлил қилаётган ҳикояда ҳам қаҳрамонлар муносабатидаги келишмовчилик ва зиддиятлар яққол кўзга ташланади.

Шу вазиятда ҳикояда кескин бурилиш юз беради: *“Отам уйқудан уйғониб қараса, пул жойида йўқлигини кўриб, ақлдан озай деди. Отам, худди камондан отилган ўқдек, ертўланинг эшигини очиб пастга тушиб кетди. Бир оздан сўнг ҳолсиз қайтиб чиқди:*

- Йўқ, бу ерларда йўқ.

Ўттиз мингни топа олмади. Сўнг ўрнидан туриб, дераза томонга югурди, деразани очиб, худди кўчадаги ким биландир гаплашаётгандек, бақирди:

- Олиб кетибди, “Текинхўр” охир-оқибат ўттиз мингни олиб кетибди…” [1]

Ҳолат драматизми шундаки, ночор ота шу ўттиз мингга барча орзуларини – фаровон ҳаётни сотиб олмоқчи эди, энди эса бор орзу-умидлари чилпарчин бўлган, уй ва тўкин ҳаёт булар учун ушалмас орзу бўлиб қолган эди. Унинг айни дамдаги ҳолати: карахт бир аҳволда “деворга суяниб ўтириши”, сўнг *“Энди биз нима қиламиз… биз уйсизлар…”* дея йиғлашлари, яна йигирма минг бўлганида бир уй сотиб олишию энди ўша ўттиз минг қиморхоналарда йўқ бўлиб кетишини ўйлаб зориллашлари драматизмни қуюқлаштириб ифода этади.

Ота фарзандларининг эртасини ўйлаб куяди: “*Энди сизлар нима қиласиз… Уйсизлар… бошпанасиз қолдингиз…”* Айни шу лаҳзаларда отанинг фарзандларига бўлган бунга қадар ошкор қилинмаган, аксинча, қўрслигу баджаҳллик билан яшириб келинган чексиз меҳр-муҳаббати намоён бўлади. Бу меҳр шунчаларки, ҳатто ҳолатнинг фожелигини англамай кулаётган болакайга ҳам қаттиқ гапирмайди. Ҳамма ҳозир олдида турган нимаики бор олиб болакайга отса керак деб ўйласа-да, ундай бўлмайди. Аксинча, болакайни мулойимлик билан бағрига босиб, сочларидан ўпиб: *“Бечора… Бечора болам… Сизлар энд инима қиласиз? Бу шаҳарда… Бу қарғиш урган шаҳарда…”* [1], - дейди.

Лаънатланган бу шаҳарни қарғиш баробарида, бу мамлакатда одамнинг қадр-қимматини “пул” белгилашини, энди жамият олдида ҳеч қандай ўрни йўқлигини англаш отага қаттиқ таъсир қилади, ота омонатини топширади.

Ҳикоя сюжетида яна бир кескин бурилиш юз беради:

“Худди адоватини унутиб ухлаётгандек эди. Бироздан сўнг акам хурсанд ҳолда хона эшиги олдида пайдо бўлди. Юзидан бахт порларди. Отам ётганини кўриб, секин сўради: - Ухлаяптими?

Ҳеч ким жавоб бермади, баланд овозда деди: - Уйғотинг… Агар яна йигирма минг бўлганда уй эгаси бўламиз деган эди… Мен йигирма минг олиб келдим, йигирма минг…” [1]

Ўғил кеч қолганини тушунади, ота унинг йигирма минг олиб келганини гўё эшитгандай, юзида енгил табассум пайдо бўлгандек туюлади. Эҳтимол, у қарғишга учраган шаҳар устидан кулгандир, аҳллари эса шаҳарга ҳеч нарса бўлмагани, қарғишга учраган уларнинг ўзлари эканини хаёлдан ўтказадилар.

Ёзувчининг кўп асарларидаги каби, бу ҳикоя ҳам фожеали, яъни отанинг ўлими билан якун топади. Бу афғон халқи бошидан мана неча йилларки аримаётган мудҳиш фожеаларнинг бир зарраси, холос. Ҳикояда бир оиланинг фожиаси миллат фожиасининг бир зарраси ўлароқ талқин қилинганки, уни юракдан ўтказа олган ўқувчи афғон халқи дардини ҳис қилишга яқинлашади. Бунда ҳам адиб бошқа ҳикояларида ҳам кузатилган йўлдан боради: муайян муҳитдаги кишилар феъл-атвори, хатти-ҳаракати, кўнглида кечган туйғулар ўзгариши орқали уларнинг руҳияти ва шу асосда давр психологияси инкишоф этади.

Демак, ҳикоядаги воқеалар ва образлар тизими орқали афғон халқининг оғир қисмати, жамиятда ҳукм сураётган адолатсизлик ва келажакка бўлган ишончсизлик акс эттирилган. Бу қисмат ҳақидаги ёзувчининг мулоҳазаси ҳикоянинг “Қарғишга учраган шаҳар” деб номланишидаёқ ўз аксини топган.

Адабиётлар:

1. Раҳнавард Зарёб. **آوازی از میان قرنها** (Асрлар қаридан келган садо)**“شهر طلسم شده” (**Қарғишга учраган шаҳар**)** .- Кобул, 1362.- Б.1-11.

2. **رهنورد زریاب .”خنجر“ و”رقاسه“آوازی از میان قرنها- کابل، ۲۶۳۱**

3. **ادبیات معاصر دری افغانستان – کابل، ۲۰۰۲**

4. Полякова Г. Азам Рахнавард Зарьяб. “Портрет” и другие рассказы. – М., 1983.- С.250-263.

Тошкент давлат шарқшунослик институти,
2016 йил 10 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)